**Математика**

**PISAга йўналтирилган тест**

**5-синф**

**Ўнгдаги матнни ўқинг.**

***1-топшириқ.***

Арсен дўконга қисқа йўл билан бориши керак.

Уйдан дўконгача бўлган энг қисқа йўлни ҳисобланг. Агар ҳар бир уйнинг томонини 30 м, кўчанинг кенглиги эса 3м деб ҳисобласак.

**Битта тўғри жавобни танланг:**

А) 132 м
Б) 150 м
В) 162 м
Г)165 м

**Дўкон**

Планда квадратлар билан уйлар тасвирланган. Уйлар орасида эса кўчалар.
М – бу дўконнинг жойлашган ўрни,
Д – бу уйни жойлашган ўрни. Точкалар билан дўкон ва уйдан чиқиш ва кириш жойлари кўрсатилган.




**Топшириқ тавсифи**:

- Баҳолашнинг таркибий соҳаси: фазо ва шакл
- Баҳолашнинг компетентлилик соҳаси: фикр юритиш
- Контекст: шахсий
- Мураккаблик даражаси: ўрта
- Жавоб формати: битта жавобни танлаш
- Баҳолаш объекти: масофани ўлчаш, натурал сонлар билан ҳаракатлар,геометрик масалаларни ечиш.
- Максимал балл -1 балл
- Текшириш усули: компютер асосида

**Баҳолаш тизими**

| Балл | Мезоннинг мазмуни |
|---|---|
| 1 | Г) 165 м |
| 0 | Бошқа жавоб берилган ёки жавоб йўқ |

**Ўнгдаги матнни ўқинг.**

***2-топшириқ.***

Арсен 3 литра шарбат сотиб олиши керак. Нархида иқтисод қилиб қайси шарбатнинг қадоғини сотиб олиш фойдали?

*Тўғри жавобни танланг:*

А) 0,75 л қадоқ 42сомдан
Б) 0,5 л қадоқ 30 сомдан
В) 1 л қадоқ 60 сомдан
Г) 1,5 л қадоқ 87 сомдан

**Жавобни ечим билан тушунтиринг:**

**Дўкон**

Арсеннинг барча оила аъзолари «Джус» шарбатини яхши кўрадилар. «Джус» шарбати дўконда ҳар хил ҳажмдаги қадоқларда сотилади.

| № | Қадоқ, л | Қадоқ учун нарх, сом |
|---|---|---|
| А) | 0,75 | 42 |
| Б) | 0,5 | 30 |
| В) | 1 | 60 |
| Г) | 1,5 | 87 |

**Топшириқ тавсифи**:

- Баҳолашнинг таркибий соҳаси: миқдор
- Баҳолашнинг компетентлилик соҳаси: қўллаш
- Контекст: шахсий
- Мураккаблик даражаси: ўрта
- Жавоб формати: очиқ ечимли қисқа жавоб
- Баҳолаш объекти: таблица туридаги маълумот билан ишлаш, ўнлик сонлар билан ҳаракат
- Максимал балл-2 балл
- Текшириш усули- мутахассис томонидан

**Баҳолаш тизими**

| Балл | Мезоннинг мазмуни |
|---|---|
| 2 | Жавоб: А) 0,75 л қадоқ 42сомдан. Тахминий ечим 3:0,75=4 қадоқ 42×4=168 сом |
| 1 | Жавоб: 0,75 л қадоқ 42сомдан, ечим йўқ. |
| 0 | Бошқа жавоблар берилган ёки жавоб йўқ |

**Ўнгдаги матнни ўқинг.**

***1-топшириқ.***

Арсен дўкондан 2300 сомлик товар сотиб олди. Иқтисод қилинган пулларга Арсен қуйидаги товарлардан қайси бирини сотиб олиши мумкин?




**Барча тўғри жавоб танланг:**

А) торт

Б) чипслар

В) какао

Г) шоколад

**Дўкон**

Арсен дўконга келганда, у ерда акция кетаётган эди. Агар 2000 сомдан ортик суммада харид бўлса, барча харид қилинган нарсаларга 9% чегирма мавжуд эди.

**Топшириқ тавсифи**:

- Баҳолашнинг таркибий соҳаси: миқдор
- Баҳолашнинг компетентлилик соҳаси: фикр юритиш
- Контекст: шахсий
- Мураккаблик даражаси: юқори
- Жавоб формати: жавоб танлаш билан
- Баҳолаш объекти: ўнлик сонлар билан ишлаш
- Максимал балл-2 балл
- Текшириш усули: компютер асосида

**Баҳолаш тизими**

| Балл | Мезоннинг мазмуни |
|---|---|
| 2 | Жавоб : Б) ва Г) |
| 1 | Жавоб: Б) ёки Г) |
| 0 | Бошқа жавоб берилган ёки жавоб йўқ |